2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

31 (633)

2008 йил 30 июль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- "Маҳалла куни" ҳамжиҳатлик тантанаси
- Жиноятга қарши жиддий чора

3
- Фильмлар бозорбопу, аммо бизбоп эмас-да...
- Вояга етмаганга тарбия етарли бўлсин!

4
- Шернинг урғочиси ҳам — ШЕР...
- Исроф қилиш асло сахийлик эмас!

Юртимизга байрамлар ярашади

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

Мустақиллик байрамининг 17 йиллик санаси яқинлашгани сайин юртимизнинг ҳар бир гўшасида ушбу шодиёнага тайёргарлик ишлари янада авж олмоқда. Шундай шукуҳли кунларда халқимиз меҳрини қозонган санъат дарғалари, шоир ва ёзувчилар, олимлардан тузилган махсус гуруҳлар қишлоқ ва маҳаллаларда, йирик корхона ва ташкилотларда бўлиб, юртдошларимиз билан юзма-юз мулоқот қилмоқдалар. Бундай маданий-маърифий тадбирларда айниқса, ёшларнинг фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир.

— Халқимиз — эрксевар. Шу боисдан истиқлол байрами каттаю кичик юртдошларимиз учун улкан шодиёна, тантанадир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Рихсихоним Иброҳимова. — Мен нуронийларимиз чеҳрасида шукроналикни, ёшларимизнинг кўзларида чақнаган ғайрат-шижоат ўтини кўрганимда шу обод юрт фарзанди эканимдан фахр ҳиссини туяман. Одамларимизга шукроналик, юртимизга байрамлар ярашади.

Тошкент вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ артистлари Рихсихоним Иброҳимова, Марям Ихтиёровалар Янгийўл туманида жойлашган корхоналардан бирида ишчилар ва тумандаги фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган тадбирдан сўнг.

Қорақалпоғистон Республикаси

ТАХИАТОШЛИКЛАР ИБРАТИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида «Маҳалла» жамғармасининг Тахиатош шаҳар бўлинмаси томонидан қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бўлинма томонидан янги оила қураётган 20 жуфт ёшга никоҳ тўйини ўтказиш учун моддий ёрдам кўрсатилди. 12 та ёш оила эса олинган имтиёзли кредит ҳисобидан уй-рўзғор учун зарур бўлган жиҳоз ва буюмларни харид қилиб, турмуш шароитини яхшилаб олди.

Бундан ташқари, бўлинма томонидан жойларда маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 3- ва 5-маҳаллаларда тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати ёшлар тарбияси ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланди.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Мустақиллик – эркин ва фаровон келажагимиз гарови

ВАТАН ТУЙҒУСИ – ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

— Мустақиллик миллат ва халқ сифатида ўзлигимизни англаш имконини берди, — дейди гулистонлик ҳунарманд, "Дўстлик" ордени соҳибаси Машрабхон Каримова. — Истиқлол туфайли меҳнатим қадр топди, фарзандларимнинг юзида қувонч, ғайрат-шижоат ҳиссини кўриб, дилим ёришади, уларнинг эртаси бугундан ҳам файзли бўлишига ишончим ортади.

Машрабхон аянинг чоғроқ устахонасига кирсангиз, ёғоч, бўёқ ҳиди димоққа урилади. Бир томонда икки йигит тахта рандалаяпти. Ёнларидаги ўспирин эса бешикни локлаш билан банд. Яна бир томонда ёшгина қиз бешикка чаққонлик билан гул туширмоқда.

— Бешикка безак бериш жудаям завқли иш, — дейди у ўзини Феруза Абдурахмонова деб таништирар экан. — Кўпроқ қизил, сариқ, яшил ранглардан фойдаланамиз. Бу ёрқин ранглар боланинг диққатини тортади, ёруғ оламга, борлиққа қизиқишини оширади. Бола бешикдан рангларни фарқлашни ўргана бошлайди.

Феруза бешиксозликка қизиққанида энди мактаб ёшига етган қизалоқ эди.

— Машрабхон ая билан қўшни турамиз. Ўша пайтда аянинг уйи устахона вазифасини ҳам ўтар, биз, қўшни болалар бу уйга киришга ҳавасманд эдик, — дея эслайди у. — Доим бешик ясаётган ёки бешикка говрапўш тикаётган аянинг ўғил-қизлари ҳам бирор юмушни бажараётган бўлар, биз эса инсон қўлининг мўъжизакорлигига ҳайратланиб боқардик. Ҳунарли бўлиш инсон зийнати эканини Машрабхон ая тимсолида кўриб, улғайдим. Аяга шогирд тушдим. Мана, ҳунар ортидан катта рўзғоримизнинг бутлигига ўз ҳиссамни қўшяпман.

Бешикнинг қандай ясалиши билан қизиқамиз. Феруза қуритиш учун устахона ҳовлисига тик қилиб қўйилган тол новдаларини кўрсатади.

— Бешик қоратолдан ясалади. Қоратол эгилувчан бўлади. Қоратолдан ясалган бешикда мўътадил ҳаво сақланади. Толнинг ширасига ўч қуртларни йўқотиш учун қайноқ сувда қайта-қайта пишиб, қуритамиз. Сўнг унга яхшилаб ишлов берамиз. Кимдир дастасини ясайди, кимдир қасавасини, мен кўпинча ана шу даста ва қасаваларга безак бераман. Шу тариқа бир ҳафтада ўн-ўн бешта бешикни қўлдан чиқарамиз.

Машрабхон ая ўз устахонасини ташкил этганига беш йил бўлди. Ҳозир бу ерда 15 ёш ҳунарманд бешиксозликдан ташқари эшик-ром, ўн турда мебеллар тайёрлаш билан машғул. Жисмоний имконияти чеклангани, лекин ҳунар ўрганишга иштиёқи кучли бўлган 30 нафар касаначи асосан ёғоч ўймакорлиги, сандиқчилик билан даромад топмоқда.

Машрабхон ая 42 йилдан буён ҳунармандчилик билан шуғулланади. Бугун у ҳунари орқали эл корига яраб, эҳтиёжманд кишиларга баҳоли қудрат ёрдам бераётган экан, бундай имкониятларни, эришаётган барча ютуқларини юрт мустақиллиги билан боғлайди.

— Бугун эса миллий қадриятларимизни тиклаш ва бойитиш, ёшларимизни урф-одатларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор кучаймоқда, — дейди Машрабхон ая. — Биз, ҳунармандларнинг ҳам қаддимиз кўтарилди. Маҳсулотларимизни халқаро кўргазмаларда намойиш этганимизда хорижликларнинг ҳайратини кўриб, ғурурланаман. Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг фармонига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. Юртбошимизнинг эътибори, эл-юртнинг ишончи — булар қалбимга қанчалар қувонч ва ҳузур бағишлаганини сўз билан таърифлаш қийин.

Мени мамнун қиладиган яна бир жиҳат, ёшларимизнинг миллий ҳунармандчилигимизга қизиқиши катталигидир. Устахонамизга бешиксозликни, сандиқчиликни ўрганиш ниятида келаётган ўғил-қизлар сафи узилмайди. Шаҳримиздаги 3-мактабнинг қирққа яқин ўқувчиларини устасгирд йўналишида ўқитишни йўлга қўйдик. Уларнинг иштиёқ ва қунт билан ҳунар ўрганаётганидан, миллий ҳунармандчилик бўйича вилоят ва республика танловларида фахрли ўринларни қўлга киритаётганидан қувонаман. Баъзан ўйлаб қоламан, гулдай ҳунаримизни кўрсатишдан, қобилиятимизни юзага чиқаришдан ҳайиққан кунларимизда — мустабид даврда бу имкониятларни, ғамхўрликни тасаввур қила олармидик?!

— Шунинг учун ҳам биз, ўтмишнинг аччиқ-чучугини тотган кишилар бугунги дориломон кунлар қадрини яхши ҳис қиламиз, — дейди ая. — Бизнинг вазифамиз ота-боболаримиздан қолган маънавий меросни, бетакрор қадриятларимизни ёшларга ўргатиш билан чекланмайди. Аввало, фарзандларимиз қалбида эркин, ҳуррам ҳаётимизнинг асоси — юрт мустақиллигини авайлаб-асраш ҳиссини кучайтирмоғимиз керак. Зеро, фарзанд қалбида Ватанга муҳаббат уйғотиш, уни комиллик сари етаклаш она алласидан, бешикдан бошланади.

Фарида МАҲКАМОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

"Mahalla" хабарлари

Тошкент вилояти

ЭКОФЕСТИВАЛЛАР МАРАФОНИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида "Экосан" халқаро ташкилоти, Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Ёшлар йилига бағишлаб "Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги" шиори остида экофестиваллар марафони ташкил этилмоқда.

Бундай тадбирларни барча вилоятлар марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ўтказиш кўзда тутилган. Экофестивални ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда саноат, энергетика ва аграр соҳаларда экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасида эришилган ютуқ ва натижаларни тарғиб этишдан иборат.

Экофестивалнинг Оҳангарон шаҳрида бўлиб ўтган очилиш маросимида «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов, Оҳангарон шаҳри ҳокими Абдуғаффор Маннопов ва бошқалар иштирок этди.

Экофестивалда вилоят миқёсида ўтказилган «Энг обод маҳалла», «Энг намунали фермер», «Чиқиндисиз маҳсулот ишлаб чиқарадиган тадбиркор» каби кўрик-танловлар ғолиблари номи эълон қилиниб, улар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ

Расмий хабарлар

ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Франциянинг Европа ишлари бўйича давлат котиби Жан-Пьер Жуйе раҳбарлигидаги делегация 29 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Музокарада Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида"ги фармони Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яна бир далили бўлгани алоҳида қайд этилди. Меҳмонлар мамлакатимиздаги демократик жараёнлар, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга юксак баҳо бердилар.

— Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги қудратли мамлакатлардан, – деди Жан-Пьер Жуйе. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ташриф асносида юртингизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришгани диққатга сазовор. Биз юртингизда халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳамда икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Учрашувда Ўзбекистон ва Франция олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириш зарурлигини ҳамда алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар.

Франция делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА)

МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Нукус шаҳрида диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси Б.Янгибоев бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, муборак заминимизда етишиб чиққан буюк мутафаккирлар маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги кўплаб муқаддас қадамжолар обод қилиниб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди.

Виждон эркинлиги, ҳар бир шахснинг ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги Бош қомусимизда, тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Айни пайтда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, ўндан зиёд диний конфессиялар вакиллари ўзаро аҳил-иноқ истиқомат қилиб келмоқдалар.

Диний таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, чуқур билимга эга, соғлом фикрли мутахассисларни тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда ўрта-махсус диний таълим беришга ихтисослашган 10 та мадраса, Тошкент ислом институти ва Тошкент ислом университети фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб йигит-қизларимиз замонавий шарт-шароитлар, илғор педагогик технологиялар асосида диний ва дунёвий фанлардан сабоқ олмоқда.

Ёшларимизни турли зарарли ғоялар ва оқимлар таъсиридан асраш, терроризм ва диний экстремизм каби иллатларга қарши курашиш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Бу эса, наинки диний таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки ҳар биримиздан эҳтиёткорликни, сергакликни талаб этади.

Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов сўзга чиқди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

МАСЛАҲАТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Жиззах шаҳрида «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган «Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туманлари ва Жиззах шаҳри ғолиби деб топилган 13 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди.

Кўрик-танловда Жиззах шаҳридаги Оққўрғонлик маҳалласи маслаҳатчиси Ўғилой Комилованинг фаолиятини намунали ташкил этишдаги маҳорати ҳисобга олиниб, у кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби деб топилди ва кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда Жиззах туманидаги Ҳаваслик маҳалласи маслаҳатчиси Гулабза Орипова иккинчи, Зомин туманидаги Ширинқишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Каромат Қодирова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Бешикда ҳикмат кўп-да...

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

«МАҲАЛЛА КУНИ» — ҲАЖИҲАТЛИК ТАНТАНАСИ

Тошкент шаҳри

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган сўлим гўша — Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида туман миқёсида «Маҳалла куни» тадбири бўлиб ўтди. Унда тумандаги мавжуд фуқаролар йиғинлари ходимлари, фаоллари, маҳалладошлар, кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбир доирасида «Энг обод маҳалла», «Энг намунали маслаҳатчи», «Маҳалламиз тарихини ўрганамиз» каби бир нечта йўналишдаги кўрик-танловларнинг туман босқичи ғолиблари тақдирланди. Шунингдек, «Маҳалла куни» тадбири доирасида турли кўргазмалар ташкил қилиниб, маҳаллаларда фаолият юритаётган касаначилар, ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар намойиш этилди. Санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар тадбирга файз бағишлади.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

СУРАТДА: *тадбирдан лавҳа.*

* * *

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳрида «Баркамол ёшлар — Ватан таянчи» шиори остида анъанавий «Маҳалла куни» тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ёшлар йили ҳамда юртимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган мазкур тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни, ўзбек маҳаллалари тарихи, ўзига хос хусусиятлари, миллий анъана ва қадриятларимизни кенг тарғиб этишдан иборат.

Шаҳардаги У.Юсупов номидаги, Дарвозатутак, Заҳокимарон, Зоғза, Табассум — 1 маҳаллалари ёшлари беллашувнинг дастлабки босқичи иштирокчилари бўлишди.

Қувончли томони шундаки, кейинги йилларда ёшларнинг ўз маҳаллалари тарихи, миллий қадрият ва урф-одатларимизга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Бу улар томонидан тайёрланган саҳна кўринишларида ҳам ўз аксини топди. Тадбир давомида намойиш этилган зардўзлик, каштачилик, дурадгорлик сингари халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик йўналишларида тайёрланган маҳсулотлар ёшларнинг иқтидори ва истеъдоди юксак эканини кўрсатди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

* * *

Андижон вилояти

Шаҳрихон туманидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам «Маҳалла куни» тадбири бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Абдусамадов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Абдурасулов ва Намозгоҳ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ж.Ортиқов истиқлол йилларида ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва мавқеи бениҳоя даражада ортганини таъкидладилар.

Фольклор гуруҳлари халқимизнинг қадимий урф-одатлари ва турмуш тарзини акс эттирувчи қўшиқ ва ўланлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Бешта маҳалла иштирокидаги худди шундай тадбир Чўжа қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб ўтди.

МУХБИРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

Қорақалпоғистон Республикаси

Ислоҳотлар самараси

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалар қатори темир йўл хизматида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, "Учқудуқ—Нукус" йўналишида поездларнинг мунтазам ҳаракатланиши натижасида Қизилқумда ўнлаб станциялар бунёд этилиб, кимсасиз саҳрода ҳаёт жонланди.

САҲРОДАГИ СТАНЦИЯЛАР

Қизилқумнинг обод ва кўркам бўлишига ҳисса қўшмоқда

Хусусан, Тўрткўл туманидаги Мискин станциясида локомотивларни тайёрлайдиган йирик депо фойдаланишга топширилиб, 40 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Станция марказида темирйўлчилар учун 30 ўринли санаторий-профилакторийсининг барпо этилиши ҳам соҳа ходимларига яратилгаётган қулайликлардан далолат.

Бундан ташқари, тобора кўркамлашиб бораётган Мискин посёлкасида айни пайтда ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари узлуксиз фаолият кўрсатиб, аҳолининг оғирини енгил қилмоқда. Энг муҳими, станцияда юкни тушириш ва вагонларни жўнатиш бўйича ҳам кўрсаткичлар анча юқори. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 182 вагонда 6 минг тонна миқдоридаги халқ хўжалик моллари белгиланган манзилларга ўз вақтида жўнатилган.

Айни кунларда Қизилқумдаги темир йўл станциясининг аҳил жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида, байрамона кайфият билан самарали меҳнат қилмоқдалар.

Асил БЕК, "Mahalla" мухбири.

Йиғинда ёшлар ҳаёти

Бухоро вилояти

ЁЗ «КАМОЛОТ» билан МАРОҚЛИ!

Айни кунларда вилоятдаги дам олиш масканлари, оромгоҳларда минглаб болалар, ўсмирлар ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда. Дам олиш оромгоҳларига жалб этилмай қолган болалар учун «Ёзни «Камолот» ва «Камалак» билан ўтказамиз!» лойиҳаси доирасида маҳаллаларда турли тадбирлар, мусобақалар ташкил этилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Ромитан туманидаги Қалайчорбоғ маҳалласи фуқаролар йиғинида «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

Тадбирнинг дастлабки куни болалар ўртасида спортнинг кураш, футбол, югуриш, арқон тортиш, бадминтон ва шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа уюштирилди. Шунингдек, «Мен, сен, биз — кел бирлашайлик!» мавзусида расм чизиш бўйича ҳамда қизлар иштирокида «Иқбол» танловлари ташкил этилиб, ёшлар ўз қобилияти ва маҳоратини намойиш этишди.

Тадбирнинг иккинчи куни «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши аъзолари ва маҳалла фаоллари иштирокида «Оила маънавиятини барқарорлаштиришнинг самарали усуллари» мавзусида суҳбат уюштирилди. Суҳбат давомида маҳалла ёшлари ўртасида гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам равишда йўлга қўйиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳамроз АЛИ, «Mahala» мухбири.

Хоразм вилояти

ОҒАБЕКНИНГ ОРЗУСИ

Хонқа туманидаги Мадир маҳалласида истиқомат қилувчи Оғабек Раҳимов 13 ёшда. Лекин у ёш бўлишига қарамай кулолчилик сир-асрорларини пухта эгаллаб, кўпчиликнинг эътиборига тушишга улгурди. Аслида Оғабекнинг бу ҳунарга қизиқиши бежиз эмас, чунки унинг бобоси Раҳимберди Маматов — таниқли уста-ҳунарманд, Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти совриндори.

Бобосига ҳавас қилган Оғабек кичкиналигидан унинг иш жараёнини диққат билан кузатиб борар, ўзи ҳам нималарнидир ясашга ҳаракат қиларди. Ёш кулолнинг ҳаракатлари, интилишлари бесамар кетмади — ясаган буюмлари билан вилоят ва республика миқёсида ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиб, фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланди. Оғабек ясаган, сайқал берган лаган, гулдон, қўза сингари кулолчилик буюмлари пойтахтимиздаги Республика Бадиий академияси кўргазмалар залида ҳам намойиш этилиб, юксак баҳоланди.

Истеъдодли ёш кулол яқинда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубиёт маркази томонидан ташкил этилган «Маҳалламиз ёш ҳунармандлари» кўргазмасида биринчи ўринни эгаллаб, кўргазманинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

А.САФОЕВ

Йил дастури ижроси — амалда

Сурхондарё вилояти

"ШИРИН"да тўй бўлди

"Ёшлар йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Бойсун тумани ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамкорликда ҳудуддаги кам таъминланган ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказиб беришни режалаштирган эди.

Яқинда мазкур режага асосан тумандаги "Ширин" тўйхонасида Тузбозор, Чорчинор, Пойгабоши, Оби, Арикусти, Кўчкак, Мунчоқ ва Хўжабулғон маҳалласилик 8 жуфт йигит-қизнинг никоҳ тўйлари тантанали равишда ўтказилди.

Маросимда туман ҳокими Эркин Бойниёзов иштирок этиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвларни муборакбод этди.

Мазкур тантанага ташриф буюрган туман ФҲДЁ бўлими мудираси Нилуфар Тўраева келин-куёвларга никоҳ гувоҳномаларини топширди. Бойсунлик санъаткорларнинг шўх куй-қўшиқлари эса кечага кўтаринкилик бағишлади.

Эркин МУҚИМОВ, "Mahalla" мухбири.

Дўстлик кечаси

ТИЛ, ШЕЪРИЯТ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан дўст-биродар, қавм-қариндош, оға-ини, опа-сингил бўлиб, ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик асосида умргузаронлик қилиб келади.

Яқинда Республика Байналмилал маданият марказида бўлиб ўтган адабий-бадиий кечани ҳам ана шу дўстлик-биродарлик ва ҳамжиҳатликнинг амалий ифодаси, рамзий тасдиғи сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Маълумки, ўзбек ва тожик халқларининг урф-одат, анъана ва қадриятлари бир-бирига ўхшаш ва муштарак. Бинобарин, адабиёт, санъат, маданият соҳасидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ муносабатларимиз, алоқаларимиз неча минг йиллик узоқ тарихга эга. Шу боис, бу соҳалардаги тараққиётимизнинг тарихий асосларини ўзаро айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Республика тожик миллий маданият маркази томонидан ташкил этилган мазкур кечада сўзга чиққанлар томонидан ҳам ушбу эътирофлар бот-бот тилга олинди. Хусусан, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев тадбирдаги иштироки учун шоирлар, олимлар, санъаткорлар ва маданият намояндаларига алоҳида миннатдорчилик билдирди.

— Зуллисонайнлик, яъни икки тилда ижод қилиш заминимизда яшовчи адабиёт, санъат ва тил аҳлига хос ижтимоий ҳодиса, қадимий анъана, — деди тадбирда сўзга чиққан адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов. — Хусусан, ўзбек мумтоз адабиётининг кўпгина вакиллари ўзбек ва форс-тожик тилларида асарлар битиб, икки тиллилик анъанасини тараққий эттирганлар. Жумладан, XV асрда улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий форс-тожик ва туркий тилларда гўзал ашъорлар битган. Хонликлар даврига келиб эса Қўқон ва Хоразм адабий муҳитида форс-тожик ва ўзбек тилида ижод қилиш анъанаси анча ривожланган. XIX асрга келиб эса 120 дан ортиқ асарлар икки тилга таржима қилингани тарихдан маълум. Биргина Огаҳий томонидан 19 та илмий-адабий асарларнинг форс-тожик ва ўзбек тилларига ўгирилгани ҳам ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги адабий боғлиқликнинг бир ифодаси десак, тўғри бўлади.

— Республика тожик миллий маданият маркази яқинда ташкил этилди, — дейди марказ раҳбари Ҳасан Қудратуллаев. — Бугунги тил, шеърият ва санъат кечаси марказимиз томонидан ўтказилаётган биринчи тадбир бўлди. Ўйлайманки, ушбу кеча ўзбек ва тожик миллати ва халқлари ўртасидаги маданий алоқалар янада мустаҳкамланишига, ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик муносабатлари барқарор ва бардавом бўлишига хизмат қилади.

Тадбирда икки тилда ижод қилувчи санъаткорлар, шоирлар, фан ва маданият намояндаларининг иштироки кечага алоҳида файз киритди. Хусусан, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғайбулла Ҳожиев, шоирлар — Жаъфар Муҳаммад, Муҳаммаджон Шодиев, Паймон, Мақсуд Мирзо, хонандалар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Жўраев, истеъдодли санъаткорлар Раҳимжон Шодмонов ва Гулчеҳра Бақоевалар ўз ижод намуналари билан тадбир иштирокчиларининг кўнглини хушнуд этди.

Ф.БЎТАЕВ

Хушёрлик — давр талаби

Дунё миқёсидаги долзарб муаммо

Инсонлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг аксарияти замирида мўмай даромадга эга бўлиш, моддий манфаат кўриш истаги ётади. Гиёҳванд моддалар, қурол-аслаҳалар контрабандаси, одам савдоси каби дунё миқёсида илдиз отган мудҳиш жиноятлар инсоният тақдири, хавфсизлигига таҳдид солаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари, халқаро ташкилотлар бу жиноятларга қарши курашмоқда. Қуррамиздаги ҳеч бир давлат қонунлари, қолаверса, халқаро ҳуқуқий меъёрлар одамлар савдосига йўл қўймайди. Шунга қарамай, сўнгги ўн-ўн беш йилда жаҳондаги бир қатор мамалакатларда одамлар савдоси кенг тарқалган ҳодисага айланиб бормоқда.

Махсус илмий адабиётларда бу ҳодиса одамларга нисбатан куч ишлатиш таҳдиди ёки мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш, хусусан, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ваколатни суиистъмол қилиш воситасида ёллаш, ноқонуний равишда мамлакатлар чегарасидан олиб ўтиш, сотиш, мажбурий тарзда ишлатиш каби инсон ҳақ-ҳуқуқини поймол этувчи хатти-ҳаракатлар билан изоҳланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарқатган маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар йили 2 миллион 700 минг нафар инсон бу жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Энг ачинарлиси, одам савдоси жабрдийдаларининг 80 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этяпти.

Айни пайтда юрдошларимизнинг одам савдосига алоқадор жиноятчилар ва фирибгарларга алданмаслиги, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари сифатида тегишли соҳа мутасаддилари томонидан кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилиб, бунда юртимиздаги барча оммавий ахборот воситаларининг фаол иштироки таъминланмоқда.

Яқинда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг биринчи йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Йиғилишни ушбу комиссиянинг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров олиб борди.

Мазкур комиссия мамлакатимизда жорий йилнинг 17 апрелида қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш борасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда имзоланган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қарорида кўзда тутилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тузилган бўлиб, йиғилишда комиссия фаолиятига доир масалалар муҳокама этилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг асосий вазифалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва барча нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳудудий идораларо комиссияларининг одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, энг муҳими, барча чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Бу борада одам савдоси жиноятига қарши курашишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини аҳолининг барча қатламларини жалб этган ҳолда ташкил этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Комиссия йиғилишида одам савдоси бугунги кунда бутунжаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб, миграция жараёнларининг кучайиши туфайли қамрови тобора кенгайиб бораётган бу трансмиллий жиноятга қарши курашиш ҳар бир мамлакат ҳукумати ва раҳбарияти эътиборидаги масала эканлиги таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, республикамизда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли органлар ва ташкилотларнинг кучини бирлаштириш ва ҳамкорликда фаолиятини ташкиллаштириш Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг асосий мақсади сифатида алоҳида таъкидланди.

Мажлисда 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасини амалга оширишнинг аниқ йўналишлари белгиланди.

Комиссия йиғилиши якуни бўйича қабул қилинган қарор ижро этиш учун тегишли органларга ва жойларга юборилди.

М.ҚОСИМОВА

АҚШ:

ТАЪМИРГА МУҲТОЖ КЎПРИКЛАР

АҚШ ҳудудида жойлашган кўприкларнинг тўртдан бир қисми хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган аҳволга келиб қолган. Шу боис уларни тезкор равишда таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш лозим. Мамлакатнинг транспорт ва коммуникация воситалари ҳолатини назорат қилиш бўйича миллий ассоциацияси томонидан тақдим этилган маъруза муаллифлари ана шундай хулосага келишган.

Маърузада келтирилишича, АҚШдаги мавжуд 600 мингта кўприкдан 152 мингтаси маълум даражада носоз, айримлари эса эскиргани боис яроқсиз аҳволда. Кўприкларнинг аксарияти сўнггги эллик йил мобайнида қурилган бўлиб, уларнинг ўртача ёши 43 йилга тенг.

Ушбу вазиятни ижобий ҳал қилиш учун мамлакатнинг федерал бюджетидан деярли 140 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилиши лозим бўлади. Негаки, штатлар раҳбарлари кўприкларни таъмирлаш ёки уларни янгисига алмаштиришнинг уддасидан чиқа олишмаяпти.

Ўтган йил давомида АҚШда кўприкларнинг носозлиги билан боғлиқ бир нечта ҳалокат юз берган. Хусусан, 2007 йилнинг 1 августида Миссисипи дарёси устидан ўтган кўприк автоқатнов тиғиз бўлган пайтда қулаб тушиб, йирик автоҳалокат содир бўлган эди. Бунинг оқибатида 13 нафар киши ҳалок бўлиб, яна 60 нафар одам оғир тан жароҳати олган эди.

Ҳиндистон:

ҚЎПОРУВЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Ҳиндистон полицияси ходимлари мамлакатнинг ғарбий қисмида жойлашган Гужарат штатининг Сурат шаҳри ҳудудидан 10 та қўпорувчилик мосламаларини топишди, дея хабар тарқатди Reuters ахборот агентлиги.

Полиция вакилининг сўзларига кўра, еттита бомба зарарсизлантирилган, сапёрлар қолганларини ҳам зарарсизлантириш устида иш олиб боришмоқда. Портловчи мосламалар шаҳарнинг энг гавжум ҳудудларига ўрнатилган экан. Ҳозирга қадар уларнинг тури ҳамда ким томонидан ўрнатилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 26 июлида Гужарат штатининг маркази — Аҳмадобод шаҳрида бир қанча қўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилган эди. Яъни 40 дақиқа давомида шаҳарнинг турли қисмларида 16 та портловчи восита ҳаракатга келтирилиб, оқибатда 45 нафар киши ҳалок бўлган ва 110 нафар одам жароҳат олган эди. Ушбу қўпорувчилик ҳаракати учун жавобгарликни «Ҳиндистон мажаҳедлари» гуруҳи ўз зиммасига олди.

Покистон:

ҲАРБИЙЛАР — ТОЛИБОНЛАР ГАРОВИДА

Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара ҳудудида толибон жангарилари ҳарбий постга ҳужум қилиб, 30 нафар аксар ва полициячиларни гаровга олишган. Маълумотларга кўра, бу воқеа Сват водийсида содир бўлган. Бундан бироз олдинроқ ҳам мазкур ҳудудда жангарилар томонидан Покистон ҳарбий разведкасининг уч нафар ходими ҳамда икки нафар аскар отиб кетилган эди.

Гаровга олинганларнинг тақдири ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Ушбу воқеа юзасидан жавобгарликни мулла Файзулла бошчилигидаги экстремистлар гуруҳи ўз зиммасига олди. Шунингдек, у Сват водийсидан покистонлик ҳарбийлар олиб чиқиб кетилмаса, бу каби жангари ҳаракатлар давом этишини билдирди. Бундан икки ой муқаддам Покистон ҳукумати вакиллари билан Файзулла ўртасида жангари ҳаракатларни тўхтатиш юзасидан имзоланган келишувда ҳам толибонлар томонидан ана шу шартлар қўйилган эди. Шу боис, жангарилар бошлиғи ўз хатти-ҳаракатларига келишув шартларининг «бузилганлигини» сабаб қилиб кўрсатмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Андижон вилояти

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Андижон шаҳридаги Жумабозор маҳалласи фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шаҳодатхон Бозорматова ўтган йили банкдан 800 минг сўм миқдорида кредит олиб, ушбу маблағга сигир харид қилган эди. Яқинда ана шу сигир бузоқли бўлиб, оиланинг даромад кўриш имкониятини янада кенгайтирди.

ЙИҒИННИНГ ЯНГИ БИНОСИ

маҳалла аҳли учун байрамга муносиб туҳфа бўлади

— Биргина бу хонадон эмас, йиғинимиздаги ўнга яқин хонадон ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлди, — дейди маҳалла оқсоқоли Эркинжон Тошматов. — Бу орқали бир қанча фуқароларимизни иш ва даромад манбаи билан таъминлашга муваффақ бўлдик.

Жумабозор — Андижон шаҳридаги энг қадимий маҳаллалардан. Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда йиғинда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, газ ва электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида «Бўстон» газ тақсимлаш станциясидан уч километр масофага янги қувур тортилди, электр узатиш қуввати 250 киловаттга тенг бўлган трансформатор ўрнатилди. Қўчқор ота номи билан аталувчи қабристонни ободонлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, кейинги бир ярим йил давомида фойдаланишга топширилган савдо, маиший ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларида 20 нафардан зиёд маҳалла ёшлари доимий иш ўрнига эга бўлдилар. Жорий йилда эса яна ўн нафардан зиёд йигит-қиз маҳалла фуқаролар йиғинининг йўлланмаси билан шаҳардаги қўшма корхоналарга ишга жойлашди.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Холисахон Қурбонова, посбонлар сардори Турсунбой Хўжаевлар «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида тинимсиз изланмоқдалар. Ёзги таътилни мароқли ташкил қилиш мақсадида кам таъминланган оилалар фарзандларидан 20 нафари оромгоҳларга юборилди, юз нафардан ортиқ ёшлар эса шаҳарнинг тарихий жойларини томоша қилиб, Бобур номидаги ёшлар театрида намойиш этилаётган қизиқарли спектакларга ташриф буюришди.

Жумабозорда кўп йиллардан буён ҳал этилмай келаётган яна бир муаммо яқинда ўз ечимини топди. Аҳолининг чиқиндиларни ташиш учун тўлайдиган маблағи ҳисобига «Газ-52» автомашинаси сотиб олинди. Эндиликда, автомашина воситасида навбат билан маҳалланинг 8 та кўчасидаги чиқиндилар махсус жойларга чиқариб ташланади. Бу эса ҳудудда орасталик ва саришталикни сақлашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда маҳалла ҳудудида фуқаролар йиғини идораси биноси қурилиши қизғин давом этмоқда. Бу ердаги бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида тугалланиши кўзда тутилган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ёшлар камолоти йўлида

Бирники мингга, мингники туманга

маҳаллада ёш авлод тарбияси билан боғлиқ муаммоларни кўпчиликнинг иштирокисиз ҳал этиш мушкул

Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий анъаналар ва қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини камол топтириш ўзини ўзи бошқариш органларининг энг асосий вазифаларидандир. Зотан, бу борада маҳалла кўп минг йиллик тажрибага эга. Ёшлар тарбиясида айниқса, таълим-тарбия муассасалари, маҳалла ва оила ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Боиси, маҳалла ҳудудидаги таълим-тарбия муассасаларида асосан шу маҳалла фарзандлари таълим-тарбия олади. Қолаверса, бу муассасаларда фаолият кўрсатувчи ходимларнинг аксарияти ҳам шу маҳаллада истиқомат қилади. Бундан тўғри ва оқилона фойдаланиш маҳаллада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда республикамизда ўн мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритмоқда. Айтиш мумкинки, ёшлар тарбияси ана шу фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб келаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ва турли комиссияларнинг доимо диққат марказида. Бу ўта муҳим ва масъулиятли вазифани адо этишда уларнинг жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, Маънавият тарғибот марказлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» ҳамда «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармалари, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани ижобий натижалар бермоқда.

Ёш авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида сўз юритганда, эътиборни, энг аввало, отасиз ёки онасиз, нотинч, никоҳи бекор бўлган оилаларда улғаётган фарзандларга қаратиш лозимлиги аён бўлади. Шундан келиб чиқиб, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида»ги Низом талабларининг бажарилиши юзасидан республикамиздаги барча фуқаролар йиғинларида яраштириш комиссияларининг фаолияти ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида яраштириш комиссиялари томонидан 15059 та оилавий можаро муҳокама қилиниб, 8378 та оиладаги низо ва муаммолар бартараф этилган. Бироқ 2172 та оила тақдирининг ажрим билан тугагани яраштириш комиссиялари ишини янада жонлантиришни тақозо этади. Таҳлилларга кўра, ажрим бўлган оилаларнинг 901 таси кам таъминланган оилалар бўлиб, уларда 2843 нафар вояга етмаган болалар тарбияланади. Бу ўзўзидан фуқаролар йиғинлари зиммасига қўшимча масъулият юклайди.

Шунингдек, оилавий муаммоларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан республикамиз бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида 884235 та оиланинг ижтимоий аҳволи ўрганиб чиқилди. Ўрганилган оилаларнинг 260898 таси моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб, 107447 нафар фуқаро ишга йўналтирилди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, оилавий ажримлар кўплаб муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси, Республика Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қўшма қарор қабул қилинди ҳамда «Фуқаролар йиғинларининг энг фаол яраштириш комиссияси» республика кўрик-танлови эълон қилинди.

Ёшлар тарбиясида жойларда маънавий-маърифий тарғибот ишларини жонлантириш мақсадида ташкил этилган тарғиботчилар гуруҳлари фаолияти ҳам яхши самара бермоқда. Айни пайтда мамлакатимизда эл орасида ҳурмат-эътибор қозонган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган фуқаролардан иборат 7000 дан зиёд шундай гуруҳлар иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, 4 мингдан ортиқ маҳалла маънавият хонасига, 5671 та маҳалла эса ўз кутубхонасига эга. Шу ва шу каби ишларда аёлларимизнинг фаол иштирок этаётгани айниқса, қувонарлидир.

«Маҳалла» жамғармаси томонидан ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ўсмирлар ўртасида оммавий спорт турларини кенг тарғиб этиш ва ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Футболимиз келажаги», «Биз кучли ва соғлом оила», «Маҳалламиз паҳлавонлари» каби спорт мусобақаларининг анъанавий равишда ўтказиб келинаётгани шулар жумласидандир. Бундан ташқари, умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган спорт тўгаракларига ҳам бир миллион нафардан зиёд бола жалб этилди. Биргина 2007 йилнинг ўзида маҳаллаларда 276 та спорт майдончаси қуриб фойдаланишга топширилгани, 151 та спорт майдончаси зарур анжомлар билан таъминлангани ҳам шу йўналишдаги ишлар сирасига киради.

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида маҳаллаларда зардўзлик, дурадгорлик, сартарошлик, пазандалик, тикувчилик, кулолчилик тўгараклари иши йўлга қўйилган. Яъни ҳунармандчиликнинг 55 тури бўйича 3155 нафар уста-ҳунармандга 9 минг нафардан зиёд йигит-қиз устоз-шогирдлик анъаналари асосида бириктириб қўйилган.

Халқимизда бир болага етти қўшни ота-она, деган нақл бор. Бу пурмаъно ибора ҳам ёш авлод тарбиясида маҳалла беқиёс ўрин тутишини тасдиқлайди. Қисқа қилиб айтганда, вояга етмаганлар тарбиясида энг самарали усул маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлигининг тўғри йўлга қўйилишидир. Чунки баркамол инсон оила, мактаб ва маҳалладаги барқарор соғлом муҳитда камол топади.

Гулнора ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА

«...Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текширув ҳуқуқига эга. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт».

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасидан.

Спорт оламида

Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтадиган «Олимпиада — 2008» мусобақаларига қизғин тайёргарлик кетаётган айни кунларда Ўзбекистон Олимпия қўмитаси ташаббуси билан «Практика психологии спорта» номли спортчиларни жиддий беллашувларга руҳий тайёрлашда ўзига хос қўлланма вазифасини ўтовчи китоб чоп этилди. Китоб-қўлланма муаллифи педагогика фанлари доктори, профессор, академик, ўз соҳасининг дунёга таниқли етук мутахассисларидан бири Альберт Родионовдир. Ушбу китоб «Олимпиада — 2008»да иштирок этувчи ҳар бир ўзбекистонлик спортчига тақдим этилди.

Р.ГАЛИЕВ
олган суратлар.



Ўтган ҳафтанинг 25-27 июль кунлари пойтахтимиздаги «Универсал» спорт мажмуида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича кадетлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Беллашувларда юртимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, саккизта олтин ва битта бронза медаль соҳиби бўлдилар. Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

СУРАТДА: *ҳамюртимиз, Осиё чемпиони Нодир Сафаров.*

Тошкент шаҳри

БАҲОРда ёзги юмуш

Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида маҳалламизда ободонлаштириш тадбирлари янада жонланиб кетди. Хусусан, кўчаларни чиқиндилардан тозалаш, дарахтлар танасини оқлаш ишларида ёшларимиз алоҳида ташаббус кўрсатмоқда.

Бир неча йил давомида олиб борилган таъмирлаш ишлари натижаси ўлароқ ҳозирда ҳудуддаги мавжуд 40 та кўпқаватли уйлар йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. Шу билан бирга, кўпқаватли уйларни жорий ҳамда капитал тамирлаш ишлари поёнига етказилмоқда.

Шунингдек, кўпқаватли уйлар оралиғида қўшимча равишда иккита чиқиндихона қурилиши натижасида шу атрофдаги кўчаларга чиқинди ташлаш ҳоллари барҳам топди. Жорий йилнинг баҳор ойларида йўл бўйларига экилган 5100 туп мевали ва манзарали дарахтлар кўчаларимизга кўрк бериб турган бўлса, 2 минг квадрат метр ҳажмдаги йўлга ётқизилган асфальт йўлларимизни равон қилмоқда.

Айни кунларда қаровсиз ётган учта майдонни маҳалла аҳли дам оладиган масканга айлантириш режасини тузяпмиз.

Х.ҲАЙИТБОЕВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги Баҳор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Бугуннинг гапи



БОЗОРбоп КИНОталқин

ёхуд енгил-елпи, саёз мазмундаги киномаҳсулотлар хусусида

Бозорда майда-чуйда харид қилиб юрсам, эътиборимни ҳадеб "Янгисидан бор, ўзбек фильмларидан олиб қолинг", деб одамларни чорлаётган сотувчи бола жалб қилди. Аслида диск олиш ниятим бўлмаса-да, беихтиёр пештахтага қатор териб қўйилган кинодискларга кўз югуртирдим: "Телба", "Кечир", "Ортиқча омад", "Афюн гирдоби", "Нотаниш", "Севгинатор", "Паноҳ", "Асал, йигитда гап битта бўлади"... Бу фильмларнинг аксариятини томоша қилганман, айримлари билан дўстларимнинг таассуротлари орқали танишман. Уларнинг барчаси тижорат фильмлари, менимча, тарбиявий аҳамияти кам, мазмуни саёз киноасарлар. Лекин "Асал, йигитда гап битта бўлади" номли фильм борлигини эшитмагандим. Номидан ҳам маълумки, бу фильмни кўриб зиғирча ҳам маънавий озуқа олмайсан, киши. Навбатдаги тижорат фильми эканини аниқ билсам-да, қизиқишим устун келиб, шу фильм ёзилган дискни сотиб олдим. Буни қарангки, фильмни кўргач, унга баҳо беришда адашганимга амин бўлдим. "Асал, йигитда гап битта бўлади" фильми мен ўйлагандек тижорат фильми эмас экан. Яъни очиқдан-очиқ тубанликни тарғиб қилувчи бу фильм айрим енгил-елпи киноасарларга таъриф берилаётгандек "тижорат фильми" деган таърифга ҳам арзимас экан.

Кейинги йилларда янгича талқинда яратилган ўзбек фильмлари сони ортиб бормоқда. Бу мамлакатимизда кино санъати ва саноатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасидир. Ўзбек киноижодкорларининг "Ўтов", "Чашма" "18-квадрат" каби фильмлари халқаро миқёсда эътироф этилиб, турли киноанжуманларда нуфузли мукофотларга сазовор бўлганидан фахрланамиз. Лекин енгил-елпи, қисқа муддатда суратга олинган, шунга яраша бир марта кўришлик ёки умуман, кўришга арзимайдиган фильмлар таъбир жоиз бўлса, ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек кўпайиб кетди. Шу ўринда яна бир мулоҳаза: нима учун аксарият кинофильмларда ёшлар ҳаёти фақат қаҳвахоналарда рақсга тушиш, чиройли кийинишдан иборатдек талқин этилади? Шунингдек, қимматбаҳо автомашина минган, қилган иши савдо-сотиқ ёки муштлашишдан иборат "крутой" йигитлар қиёфаси кўп учрайди. Гарчи бу киноқаҳрамонларнинг кейинги тақдири аянчли кечса-да, бу фильмни кўргач, кўпчилик ёшларда айнан ана шу салбий қаҳрамонларга тақлид қилиш истаги туғиляпти-ку.

Бунинг устига, айрим фильмларнинг тили — турли шевалар қоришмасидан иборат. Буниси камдек, кўча-кўйда шаталоқ отиб юрган ёшларнинг ўзига хос шевасидаги бепарда, ҳатто ҳақоратли сўзларга фильм сценарийсидан ўрин берилаётганини қандай тушунмоқ керак?

Бутун ижодий фаолиятида бешўнта қўшиқ ижод этибок, ўзини санъат дарғаси ҳисоблагувчи, яна ўша саноқли қўшиқларини ҳам фонограммасиз ижро этолмайдиган ёш хонандаларнинг оммавий тарзда зўр бериб фильмларда роль ўйнаши эса алоҳида мавзу. Хўш, ўзи санъаткорликка иштиёқманд хонанданинг фильмда роль ўйнашдан мақсади нима? Наҳотки, бугун фильм образларини талқин этишга яроқли ёш актёрларимиз танқис бўлса? Йўқ, танқис эмас. Демак, фильмда роль ижро этишга уринаётган хонанданинг мақсади нима қилиб бўлса-да, мухлис орттириш. Афсуски, бу уринишлар ҳам аксарият ҳолларда муваффақиятсиз чиқмоқда. Чунки актёрлик қобилияти бўлмаган хонанданинг ролни маромига етказиб ижро этолмаслиги аниқ. Қолаверса, сийқаси чиққан сюжетларга асосланган, бир-бирини такрорловчи воқеаларни экранда ифодалаш, устига-устак, ўз қаҳрамонининг руҳий қиёфасини, ҳиссиётларини тўлиқ очиб бера олмаслик хонанданинг санъат оламидаги обрўсини туширса туширадики, асло кўтармаса керак.

Қўшиқчи хонанда иштирокидаги нисбатан муваффақиятли чиққан фильмлардан бири хонанда Райҳон Ғаниева суратга тушган "Кечир" деб номланган фильмдир. Қолаверса,

фильмда қўшиқчи қизнинг тақдири талқин этилгани боис, хонандага роль ижроси унчалик қийин кечмаган бўлса керак. Бироқ қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, кечинмалари ва ҳиссиётлари сунъий кўринган ҳолат ҳам йўқ эмас, бу фильмда. Фильмнинг эътирозга лойиқ яна бир жиҳати шуки, унда эндигина илк қўшиқлари тўпламини мухлислар эътиборига тақдим этиш арафасида турган хонанданинг "ритм қироличаси", "мусиқа маъбудаси" деб аталиши анча эриш туюлади. Бундан ташқари, фильм титрларида хонанда Р.Ғаниева ҳам режиссёр, ҳам продюссер, ҳам ғоя муаллифи, ҳам бош роль ижрочиси сифатида кўрсатилиши кишида хонанданинг ижодий салоҳиятига ва ...камтарлигига бироз ишончсизлик уйғотади.

Шукрки, юқоридаги каби саёз, енгил-елпи киномаҳсулотлар билан бир қаторда "Ватан", "Бегона баҳор", "Чавандоз", "Чимилдиқ", "Дилхирож","Қизғалдоқ" каби миллий, маънавий қадриятларимиз сингдирилган, томошабин қалбида эзгу ҳис-туйғулар уйғотишга қодир фильмлар ҳам бисёр яратиляпти. Шунингдек, киномухлислар қалбига мустаҳкам ўрнашган "Мафтунингман" (режиссёр — Йўлдош Аъзамов), "Маҳаллада дув-дув гап" (режиссёр — Шуҳрат Аббосов), "Армон", "Суюнчи", "Келинлар қўзғолони", "Майсаранинг иши" (режиссёр — Мэлис Абзалов), "Яратганга шукр" (режиссёр — Зулфиқор Мусоқов), "Юлдузингни бер, осмон" (режиссёр — Фарид Давлетшин), "Ёлғиз ёдгорим" (режиссёр — Собир Назармуҳамедов), "Ёдгор" (режиссёр — Насим Ҳилолов) сингари фильмларни қайта-қайта томоша қилишдан чарчамаймиз.

... Балки кинофильмларни танқидий таҳлил қилиш санъатшунос ёки кино танқидчиларнинг вазифасидир. Бироқ юқоридаги каби енгил-елпи мазмундаги, савияси паст фильмларни томоша қилиб "ёшлар аудиторияси учун мўлжалланган экан" ёхуд "тижорат фильмлари" дея кўз юмиб кетавериш ҳам ярамайди. Зеро, бугун ёшларга умуминсоний маънавий қадриятларни улуғлайдиган, самимийлик билан йўғрилган, айниқса, киши руҳиятига ижобий таъсир этиб, эзгу мақсадлар сари даъват этадиган фильмлар зарур ва биз киноижодкорларимиздан айнан шундай асарларни кутамиз.

Муҳайё БОЙМУРОДОВА

Олам турфа

КЕМА ҚОЛДИҚЛАРИ ҚУРУҚЛИККА ОЛИБ ЧИҚИЛДИ

Италиянинг бир гуруҳ сувости қадимшунослари Сицилия оролининг жанубий-ғарбидаги Жела кўрфази тубидан тахминан эрамиздан аввалги 500 йилларда сувга ғарқ бўлган кема қолдиқларини қуруқликка олиб чиқишга муваффақ бўлишди.

Кема қолдиқлари дастлаб кўрфаз яқинидаги Боско Литторио музейига, кейин эса реставрация қилиш учун Буюк Британиянинг Портсмут шаҳридаги Mary Rose Archeological Services лабораториясига юборилади, дея хабар беради La Reppublica нашри.

Топилмани сув тубидан олиб чиқиш учун махсус кран ва бошқа мураккаб техника воситаларидан фойдаланилди. Sicily News агентлигининг маълумотларига кўра, кеманинг узунлиги 21 метр, эни эса 6,5 метрга тенг бўлган. Ҳозирда кеманинг айрим қисмларигина сувдан чиқарилган, холос. Кемадан топилган чинни ва бошқа буюмлар унинг жуда кўплаб давлатлар бўйлаб саёҳатда бўлганидан далолат бермоқда.

КВАДРАТ ТАРВУЗЛАР

Россиядаги «Азбука вкуса» («Таъмлар алифбоси») супермаркетларига Японияда квадрат шаклидаги тарвузлар келтирилди, дея хабар тарқатди супермаркетнинг матбуот хизмати.

Квадрат шаклидаги тарвуз илк бор Японияннинг Сикоку оролидаги Кагава префектурасида етиштирилган эди. Бундай шаклга келтириш учун тарвузлар куб шаклидаги пластик ёки шиша идишларга солиб ўстирилади. Ҳозирда япониялик деҳқонлар нафақат куб, балки пирамида шаклидаги тарвузларни ҳам етиштиришмоқда. Энг муҳими, тарвузнинг шакли турлича бўлгани билан унинг мазаси ўзгармаган.

Квадрат шаклидаги тарвузлар кам жой эгаллаши, музлатгичга осон жойлашиши, турган жойидан думалаб кетмаслиги билан жуда қулайдир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

Шоҳ кўчалару кўҳна обидалар бирдек ободдир

Қашқадарё вилояти

Кейинги йилларда шаҳару қишлоқларимиз кўркамлашиб, замонавий қиёфа касб этиб бормоқда. Тарихий обидалар таъмирланиб, уларга шаклан уйғун замонавий бинолар қад кўтаряпти. Қарши шаҳрида уч-тўрт йил бўлмаган киши шу қисқа давр мобайнида бу ерда амалга оширилган улкан ишлар қаршисида лол қолиши аниқ.

СУРАТЛАРДА: *Қарши шаҳридаги замонавий ва кўркам Мустақиллик шоҳ кўчаси ва тарихий обида саналмиш, бундан икки юз йил олдин бунёд этилган Қашқадарё кўпригининг обод кўриниши.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ханда — кўнгилга малҳам

Андижон вилояти

СЎРИДАН САҲНАГА КЎЧГАН САНЪАТ

Қорасув шаҳрида "Аскиячилар чойхонаси" деб ном олган сайилгоҳ бор. Яқинда бу масканда сайилгоҳ номига мутаносиб файзли тадбир бўлиб ўтди. Ҳа, сайилгоҳнинг икки ёнидан ўтган сойнинг шарқироғи аскиячи ва қизиқчиларнинг анъанавий Республика кўрик-фестивалига тўпланган кулгу ишқибозларининг қаҳқаҳасига жўр бўлди.

Аския-айтишув ота-боболаримиздан қолган удум, миллий маданиятимиз дурдоналаридан биридир. Навбатдаги кўрик-фестивал қадимда чойхоналарнинг сўрисидан янграган аскияни катта саҳнага олиб чиқиб, уни санъат даражасига олиб чиққан кулгу усталари Мамажон ота Мадаминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулхай Маҳсум Қозоқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасанбой ака Султоновларнинг хотирасига бағишланди.

Икки босқичда ўтиши режалаштирилган ушбу кўрик-фестивалнинг дастлабки қисми Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда бўлиб ўтди. Юз нафардан ортиқ аскиячи ва қизиқчилар қатнашган бу босқичда олтмиш нафар ғолиб аниқланди. Улар якуний босқичда иштирок этиб, ўзаро ижодий куч синашдилар.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, халқаро "Олтин мерос" ва Республика "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Қорасув шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир кулгусеварлар учун ажойиб туҳфа бўлди, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими, ушбу кўрик-фестивалда бир қатор ёш, иқтидорли сўз усталари кашф этилди.

Азиз муштарий! Қуйида кўрик-фестивал иштирокчиларининг аския, латифаларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

* * *

ШОГИРДЛАРНИНГ ОЛДИ...

— Ҳасанбой!

— Лаббай, Маҳсум ака!

— Менинг неча йиллик шогирдимсиз?

— Қирқ йиллик, уста.

— Мен сиздан хурсандман. Менинг юзга яқин шогирдларим бўлса, шуларнинг олди бўлиб қолдингиз-да.

— Маҳсум ака!

— Лаббай!

— Мана шу ерда ўтирганлар сизга раҳмат айтиб, дуо қилмоқда.

— Нима дейишмоқда?

— Отасига раҳмат, қариганда Маҳсумнинг орқасидан ҳам одам чиқибди, дейишяпти-да...

* * *

— Маҳсум ака!

— Лаббай, Жўрахон!

— Қувончли хабар эшитиб келавердик, сизни боғчага мудир бўлди, дейишмоқда. Шу ростми?

— Албатта.

— Эшитиб ҳурсанд бўлдим. Уйингизда сигирингиз йўқ эди. Боғчанинг чорва таъминоти бор экан, энди сизга ҳам сут келиб тураркан-да...

Ҳасанбой Султонов номидаги ёш аскиячилар гуруҳи ижодидан

* * *

ГУЛМИСИЗ, Ё...

— Раҳматилло, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?

— Айтганингизман.

— Қорасув шаҳри ичкарисида киракашлик қилиб юрганингизда бир одам катта сумкасини кўтариб келиб юкхонангизга солиб қўйганда, ўзингга алоҳида, орқамга солганингга алоҳида тўлайсан, деганмишсиз-а?..

— Адҳам ака, гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?

— Айтганингизман.

— Мен киракашлик қилиб юрганимда, шошилиб келиб, қанча пул десанг тўлайман, мени чиққан жойимга олиб бориб қўй, деганингиз ёдингиздан чиқдими?..

Қорасув шаҳрилик аскиячилар ижодидан

* * *

ОБРЎЛИ ҲАЙДАЛИШ

Теша қизиқ Фозил қорига доира чалиб юрган пайти экан. Кунларнинг бирида уларни тўйга хизматга айтишибди. Бир маҳал Теша қизиқ доирани қизитгани ўчоқ олдига борса, у ердагилар:

— Эй, Теша ака келиб қолибди. Мана буни ичинг, — дея пиёлада арақ узатибди. Теша ака униси узатса ичибди, буниси узатса ичибди, охири маст бўлиб, Фозил қорининг олдига келибди

— Ана энди тайёрмиз, — дебди Теша қизиқ.

— Ичиб ғирт маст бўлибсан-ку! Шу аҳволда доирани қандай эплаб чаласан? Йўқол тўйдан, — дея Фозил қори уни қувиб солибди. Шунда Теша қизиқ нима дермиш денг:

— Бе, бу тўй нима бўлибди, нари борса бу тўйда 100-200 одам йиғилган холос-да. Бундан кўп одам тўпланган тўйлардан ҳам ҳайдалганман. Мана, ўлмай юрибмиз, қори ака!..

СОДИҚ қизиқ ижодидан

* * *

"МЕНИ ҲЎЙДА ШЕР КУТЯПТИ!.."

Ўрмон ҳайвонлари ва хонаки жониворлар тўпланишиб, базми-жамшидда ўтиришса, бир маҳал Шернинг қўл телефони жиринглаб қолибди. Унга хотини қўнғироқ қилаётган экан. Шер гапни қисқа қилибди:

— Ҳа жоним, уйгами? Ҳозир етиб бораман!

Шундай дея Шер уйига кетишга ҳозирланибди.

Буни кўрган Мол уни изза қилмоқчи бўлиб дебди:

— Ўзинг ўрмон қироли, ҳайвонлар ичра "Шерман" дея мақтанасан-у, хотинингдан қўрқар экансанда?! Масалан, мен, хотинимдан сира қўрқмайман!

Шер унга шундай жавоб берган экан:

— Эй, аҳмоқ! Сен хотинингдан қўрқмасанг ҳам бўлади, ахир сени уйингда ўзингга ўхшаган Мол кутиб олади. Мени эса уйда ўзим каби Шер кутади-да!..

Жиззахлик қизиқчи ижодидан

Одилжон ЖЎРАЕВ ёзиб олган.

Донолларнинг дурдона фикрлари

Исроф қилиш — сахийлик эмас; ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни девона дейдилар: ёруғ жойда шамъ ёққанни ақлдан бегона дейдилар. Мақтаниш учун мол бермоқ — ўзини кўз-кўз қилмоқ ва шундай қилиб ўзини «сахий» демоқ — беҳаёлик билан ном чиқармоқ.

Алишер НАВОИЙ

Ўзгаларнинг қалбида нималар рўй бараётганига бепарволик билан қарагани туфайли бахтсиз бўлган одамларни кўрсатиш қийин. Аммо ўз қалбига қулоқ тутмаган, уни назорат қилолмаганларнинг бахтсизликка учраши муқаррардир.

Марк АВРЕЛИЙ

Халққа бошчи бўлган бекка ҳиммат керак,
Ҳиммат билан бирга мурувват керак.

Юсуф Хос ХОЖИБ

Тарбия икки нарсага: ахлоққа ва мулоҳазакорликка таянмоғи керак. Ахлоқ эзгуликка тиргак бўлса, мулоҳазакорлик ёмонликдан асрайди. Агар сиз фақат ахлоққа суянсангиз, анқов ва жафокашларни, фақат мулоҳазакорликка таянсангиз, ўзига пишиқ худбинларни тарбиялаб етиштирасиз.

ШАМФОР

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳамма нарса мен истаганимдек бўлиши шарт, деган нотўғри тушунчадан воз кечмас экансиз, атрофдагилар ва яқинларингиз билан тил топишишда қийинчилик туғилаверади.

СИГИР(22.04-20.05)

Жисмоний, руҳий қувватингизни жамлаб, катта ишни бошлаш арафасида турибсиз. Агар ҳамкорларни танлашда адашмасангиз, ишингиз бароридан келиши аниқ.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Яқин кунларда фаолиятингизни бутунлай янгича шарт-шароитларда давом эттиришга мажбур бўласиз. Янги иш излаш ўрнига, янги шароитга кўникишга ҳаракат қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда бўш вақтингиз кўп. Бу яхшими ёки ёмон? Ҳаммаси бўш вақтни қандай юмушларга сарфлашингизга боғлиқ. Оила даврасида кўпроқ бўлишга интилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Яқин кунларга мўлжаллаган режаларингиз жуда улкан. Бу ишларни бир киши уддалай олмаслиги аниқ. Ортиқча чираниб ўзингизни ҳолдан тойдирманг, шунда ортиқча сарф-харажатларнинг ҳам олдини оласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ўз кучингизга бўлган ишончингизга анчагина путур етган. Бундай тушкун кайфият исканжасидан чиқишнинг энг самарали усули — қисқа муддатга бўлса ҳам ҳордиқ чиқариш, табиат қўйнида ором олиш.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Бошланганига анча бўлган юмушларни якунига етказолмай гарангсиз. Ҳозирча воқеалар ривожини ўз ҳолига ташлаб қўйганингиз маъқулроқ. Тоқатингиз етса, албатта, шундай қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунларда сиздан турли масалалар юзасидан маслаҳат сўрагувчилар кўп бўлади. Маслаҳатингиз тўғрилигига ўзингиз ишонч ҳосил қилсангизгина, бировга йўл-йўриқ кўрсатинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Касбий фаолиятингизга доир билим ва кўникмаларингизни янада бойитиш учун қулай имконият туғилиши мумкин. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш фойдадан холи эмас.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Янги ишларни бошлаш учун бироз нокулай вазиятдасиз. Буни омадсизликка йўйиш шарт эмас. Одатдаги юмушларни адо этишдан ташқари, уй-рўзғор ташвишларига эътиборлироқ бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ҳар бир нарсадан шубҳаланиш, гумон қилишдан сақланинг. Бу обрўингизга путур етказишнинг энг биринчи сабабчиси бўлиши мумкин. Табиат қўйнида дам олинг, оғир ўй-хаёллардан фориғ бўласиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Раҳбариятнинг норозилигини уйғотмасликни истасангиз, эммангиздаги вазифаларни сидқидилдан бажаринг. Акс ҳолда, яқин кунларда таъбингизни хира қиладиган вазиятда қолишингиз мумкин.

Билиб қўйган яхши

Саратонда соябон даркор

Ўлкамизда ёзнинг айни жазирама кунлари ҳукм сурмоқда. Бундай кунларда қуёшнинг тафтидан сақланмаган инсон ўз саломатлигига жиддий путур етказиши мумкин. Узоқ вақт қуёш нури остида туриш офтоб уришига сабаб бўлади.

Офтоб уришининг енгил даражасида одамнинг боши гунг бўлиб оғрийди, қулоқ шанғиллаши, гувуллаши безовта қилади. Оғирроқ ҳолатларда эса кўнгил айниб, юрак уриши тезлашади, тана ҳарорати кескин кўтарилиб, томирлари тортишади, ҳатто чангак бўлиб қолиши ҳам мумкин. Офтоб урган инсоннинг миясида қон айланиш мароми, тана аъзоларида эса сув-туз мутаносиблиги бузилади.

Офтоб уриши белгилари пайдо бўлганда беморни зудлик билан салқин жойга олиб ўтиш, танасини қисиб турган белбоғ ва тугмаларни бўшатиш керак. Уни ярим ўтирган ҳолатда ётқизиб, бошига совуқ сувда намланган сочиқ ёки дуррача ўраб қўйилади. Бундай ҳолларда баданни ароқ ёки сувда намланган сочиқ билан артиш ҳам яхши наф беради. Беморга муздек маъданли сув, зардобли ийдирилган қатиқ ёки айрон, қимизак (квас) ичириш лозим.

Офтоб уришининг оғир кўринишида бемор ҳушдан кетиши, талвасага тушиб, бесаранжом бўлиши кузатилади. Унда руҳий нуқсонлар пайдо бўлиб, кўзига ҳар хил нарсалар кўриниши, товушлар эшитилиши, алаҳсираши мумкин. Агар унга ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатилмаса, нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Офтоб урган кишига пешоб ҳайдовчи, ҳароратни туширувчи (аспирин ёки парацетамол) ва турли оғриқсизлантирувчи дори воситаларини бериш ярамайди.

Қуёш нури остида кўп туриш, ишлаш ёки юриш зарурати пайдо бўлганда махсус бош кийимлари ва соябонлардан фойдаланиш офтоб уришининг олдини олади. Иссиқ кунларда табиий матолардан тикилган, баданга ёпишиб турмайдиган либослар кийиш тавсия этилади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

Х.СОРИҚОВ чизган расм.

Ажабо!

Гигант картина сотувга қўйилади

Хорватиялик рассом Журо Широглавичнинг дунёдаги энг катта картина деб тан олинган «Тўлқин» номли асари кимошди савдосида сотилади. Бироқ бунинг учун картина, аввало, бир неча қисмларга бўлинади, дея хабар тарқатган эди Anadova агентлиги.

Оғирлиги 6 тоннага тенг бўлган ушбу картинанинг ўлчами 6,5 километру 2 метрдан иборат. Уни чизиш учун эса 2,5 тонна миқдорида бўёқ сарфланган. Загреб шаҳрида ўтган йилнинг февраль ойидан июлига қадар «Тўлқин»ни чизиш билан машғул бўлган Широглавич бу картинани кўзгазмага қўйиш учун ҳажман тўғри келадиган галереяни топиш мушкуллигини таъкидлаган. Бироқ шунга қарамай, у ўз картинасининг чанг босиб ётишини ҳам истамайди. Шунинг учун уни кимошди савдосига қўймоқда. Рассом сотувдан тушган маблағ Болқон уруши пайтида етим қолган болаларга ёрдам тариқасида берилишини маълум қилган.

Ҳаммамизга маълумки, ер юзидаги мавжуд нарсаларнинг ҳар бири ўзининг яратилиш тарихига эга. Шу жумладан, кишиларнинг кўркига кўрк қўшувчи кийимлар ҳам.

Чўнтак қачон пайдо бўлган?

Кўпчиликка маълумки, ҳозирда дунёнинг машҳур дизайнерлари томнидан ҳар бир мавсум учун янги урфдаги либослар тикилади. Бироқ маълум бўлишича, дастлабки яратилган кийимларнинг ҳатто чўнтаги ҳам бўлмаган экан. Кийимларга чўнтак тикиш XVI асрнинг иккинчи ярмида ўйлаб топилган. Унгача одамлар пулларини кичик халтачаларга солиб, камарларига осиб юришган. Ўғрилар бундай ҳамёнларни эгасига билдирмай, осонликча ўғирлаб кетишган. Шу боис, 1585 йилдан бошлаб тикувчилар кийимларга чўнтак тика бошлаганлар.

"Общество с ограниченной ответственностью "TOSHBAGPLAST" (код ОКПО 22454285) сообщает о преобразовании в Совместное Предприятие "TOSHBAGPLAST" в форме ООО. СП ООО "TOSHBAGPLAST" становиться правопреемником всех долгов и обязательств ООО "TOSHBAGPLAST". Претензии принимаются в течении 1 месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: город Ташкент, Хамзинский район, улица Шохсанам, дом 85.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан "FAVORI BIZNES" хусусий корхонасига нотариал идорага тақдим этиш учун 09.06.2008 й.да берилган № 1723-сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Собир Раҳимов шаҳар ҳокимлигида рўйхатга олинган "Himont farma Central Asia" МЧЖ (ИНН 206844561) тугатилади. Даъволар Собир Раҳимов тумани Абдурахмонова номли кўча 8 "г" уйдаги манзилда эълон чиққан кундан 1 ой муддатда қабул қилинади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Муҳайё Боймуродова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

11294 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-620 Топширилди — 22.50
1 2 3 4 6